



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 227 (13.560)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Валюта сийсатини либераллаштириш шароитларида республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада мутасий ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддади кўчайтириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 декабидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 барабар оширилсин.

2. 2017 йилнинг 1 декабидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи – ойига 172 240 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 336 880 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 336 880 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 206 720 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2017 йилнинг 1 декабидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа маъмурдор вазирликлари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат бюджетидан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар,

стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидида корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 1 декабидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2017 йилнинг 1 декабидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шугулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар республикада миллий ҳунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини (кейинги ўринларда ҳунармандчилик деб аталади) янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Биринчидан, ҳунармандчилик фаолияти билан шугулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "Уста-шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

Иккинчидан, ҳунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўмакла-

шиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

Учинчидан, халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, ҳунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфраструктурасини шакллантириш;

Тўртинчидан, ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тақдирот қилишга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва "Ҳунарманд" уюшмасининг куйидаги тақлифлари қабул қилинсин: "Ҳунарманд" уюшмасини

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида аъзолик бадал тўловсиз киритиш;

"Ҳунарманд" уюшмаси раисини мавқеи бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига, "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқарма бошлигини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосарига тенглаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан ҳунармандларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиши бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, жумладан ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, ҳунармандчилик субъектларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаётган ҳунармандчилик субъектларига кўргазмалар ташкил этишини назарда тутиш.

3. 2017 йилнинг 1 декабидан бошлаб ҳунармандчилик субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзолари:

(Давоми 2-бетда)

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кўни

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмокда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.




● Самарқандда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали ўрнатилган майдонда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида 18 истиқболли лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмокда.

● Жиззахда Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишлаб касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Адолат билимдони" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Ватан келажоғи – ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ташкил этилган танловда сараланган 11 ўқувчи иштирок этди ва қатнашчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатимиз қонунлари, ёшлар ҳуқуқлари, партия дастурий мақсад ҳамда вазифалари бўйича билиминини намоиш қилди.

● Ўзбекистон Бадийи академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида таникли рассом Абдулла Еримбетовнинг "Тугилган ер жилоси" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмада мусаввирнинг турли жанрларда яратган 60 дан ортиқ картинаси намоиш этилмокда.



● Англия кироличаси Елизавета ҳамда турмуш ўртоғи Филиппнинг платина тўйи нишонланди. Яъни, улар биргаликда етмиш йил давомида умргузаронлик қилишди. Таъкидлаш жоизки, монархия тарихида бу энг узок давом этган ва платина тўйи нишонланган дастлабки ниқоҳдир.

● Магаданга кучли қор бўрони хуружи кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ерни қалин қор қоплади, электр узатиш тармоқлари издан қикди, аэропортда барча рейслар бекор қилинди, мактабларнинг 1-8 синфларида ўқишлар тўхта-тилди. Шароити огир районларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Қор бўринининг яна бир кун давом этиши таъкидланмокда.

● "Christies" ким ошди уйида машҳур мусаввир Леонардо да Винчининг музейларда эмас, балки хусусий коллекцияларда сақланаётган, рассомнинг охириги иши бўлмиш "Оламини кутқарувчи" картинаси юз миллион долларлик бошлангич баҳо билан савдога қўйилди. Россиялик санъат мухлиси Дмитрий Риболовлева тегишли бўлган ушбу ноёб сурат буюк мусаввир томонидан француз киролик оиласи учун чизилган бўлиб, кейинги йилларда бир кўздан йўқолиб, бир топиллиб турганлиги билан аҳамиятлидир.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил 22 ноябрда қабул қилинган "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, унда Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй-жойларни қуриш, жумладан 2017 йилда 102 та 7 қаватли уй-жой қурилиши кўзда тутилган эди.

дончасида ўйнатиб юрибман. Мактаб, мактабгача таълим муассасаси, поликлиника ҳам олдимизда. Инсонни улуғлаган юртимиз доим тинч бўлсин.

– Бунёд этилган уй-жойларнинг қиёфаси жуда маъқул бўлди, – дейди Дилнўра Жуманиёзова. – Яққасаройдан кўчиб келдик. Хурсандчилигимиз иччимизга сигмайди. Оиламга уч хонали уй насиб этди. Уйимга кираман чиқаман, кираман чиқаман, кўзаларимга ишонмайман. Бахтимизга, биз каби уй-жойга муҳтож оилаларга шундай шинам ва арзон уйлари тўхфа қилган Президентимизга раҳмат.

– Яшнободдан кўчиб келдик, – дейди Маъмур Мадаминов. – Қувончимни қандай изҳор этишга ҳам ожизман. Икки хонали уйли бўлдим. Йиллар давомида шароит тақозоси билан шахсий уй-жойим бўлишини хоҳлардим. Юртбошимизнинг гамхўрликлари билан биз қабиларга имтиёзли, замонавий уй-жойлар бунёд қилинган.

Кўни кеча Сергели-ба ҳақсизга кўчиб келган оилалар учун уй тўйлари ўтказилди. Айни пайтда ҳудудда кенг қамровли қурилишлар давом этмокда.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 17 ноябрида Президентимиз туманда бунёд этилган дастлабки 66 та кўп қаватли уй-жойлар ҳамда ижтимоий соҳа объектлари билан яқиндан танишди.

– Биз ёшларга мана шундай шароитни яратиб бераётган давлатимизга раҳмат деймиз, – дейди биз билан суҳбатда Юнусобод 18-мавзесидан кўчиб келган Умид Ҳожимуродов. – Оиланинг ўз уйи бўлишини жуда-жуда орзу қилардим. Чунки, аввал яшаган уйимиз кўпчилик бўлганимиз сабабли торлик қилиб қолган эди. Орзуларим амалга ошди. Бу жойда яшаш ва маданий дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уй-жойли бўлиш бахт. Шундай бахтга муяссар бўлганимдан ҳеҳад мамнунман.

– Оиламиз учун замонавий уй ажратилганидан бешақ хурсандимиз, – дейди Юлдуз Юсупова. – Мирзо Улуғбек туманидаги "Феруза" даҳасидан икки хонали

янги уйга кўчиб келдик. Уй калитини кўлга олганимда анчагача қувонч кўз ёшларимни тутта олмадим. Нахотки, уй-жойли бўлдим, кўзаларимга ишонмайман. Инсонга бундай гамхўрлик, менимча фақат гўзал Ўзбекистонимизда бўлса керак. Йигирма йилдан бери уйсиз ижарама-ижара яшаб юрган эдим. Уй-жойга муҳтожлар гамини ўйлаб, имтиёзли арзон уйлارга эга бўлиш имкониятини яратиб берган давлатимиз раҳбарига ташаккурлар айтман.

– Бундан бир неча ой муқаддам келимиз хурсанд бўлиб, келиб айтдик: "Ойиҳон, туман комиссияси ҳужжатларимни қабул қилишди, Президентимиз қарори асосида Сергелида қуриладиган янги уйларидан бирига бериладиган бўлди", – дейди Рихси опа Ҳикматова. – Минг шўқрлар бўлсинки, шу кунларга етиб келдик. Бир қувончимизга минг қувонч қўшилди. Дил яйрайдиган уй бўлибди. Мана набирамни болалар май-

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО БИЛИМЛАР ОЛИМПИАДАСИДА 49 МЕДАЛНИ ҚўЛГА КИРИТДИ

Туркияда IX Халқаро билимлар олимпиадаси бўлиб ўтди. Анталия сайёҳлик академияси ҳамда Россиянинг EDUANT халқаро мактаби томонидан ташкил этилган олимпиадада юртимиз мактаб ўқувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Тошкент шаҳридаги "Intellect" боғча-мактаб нодавлат таълим муассасасининг 25 ўқувчисидан иборат жамоа 6 олтин, 20 кумуш ва 23 бронза – жами 49 медални кўлга киритди. Улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади ҳамда математика, рус ва инглиз тиллари, тасвирий санъат бўйича тўртта кубокка сазовор бўлди.

Мамлакатимиз таълим тизимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ёш авлодга дунё талабларига мувофиқ билим беришга йўналтирилган. Бугунги кунда таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш стандартларини такомиллаштириш ва шу асосда замонавий ўқув дастурлари, режалари, дарс-

лик ва қўлланмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу ўз самарасини бермокда. "Intellect" боғча-мактабининг муваффақиятли фаолияти бунга яққол мисолдир.

2008 йилда ташкил этилган мазкур нодавлат таълим муассасаси ўзининг юксак малакали педагогик жамоаси билан бошқа мактаблардан ажралиб ту-

ради. Улар ўқувчиларга билим бериш билан бирга, ҳар бир боланинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун қулай муҳит яратди. Бу ерда болаларнинг ахлоқий ва эстетик ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади.

(Давоми 3-бетда)



жаси ва сифатини, айниқса, қишлоқ ва чекка туманларда ошириш ишларини ташкиллаштиришни сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

МАҲАЛЛАМИЗ НОМЗОДИ – МАҲАЛЛАДОШЛАРИМИЗ ТИМСОЛИДИР!

Қадим-қадимдан маҳалла миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз маскани сифатида алоҳида эъзозлаб келинади. Маърифат ва маданият бешиги, шаҳар ичидаги шаҳарча тимсоли бўлган маҳалла, таъкидлаш жоизки, айнан истиқлол йилларида ўзининг қонуний асослари ва ҳуқуқий ваколатларига эга бўлди.

Бугун "Маҳалла – халқ виждони", "Маҳалла – адолат тарозиси", "Истиқлол – гурурим, маҳаллам – фахрим" сингари шiorларнинг халқимиз орасида кенг тарқалгани маҳалланинг жамиятимизда обрўси нақадар ошиб бораётганини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институтининг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кўплаб амалий ишлар қилинди. Маҳалланинг мавқеини ошириш, ваколатларини кенгайтириш билан боғлиқ қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига кўра шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиши мустахкамлаб, конституциявий мақомга эга бўлди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилиндики, буларнинг барчаси маҳалланинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётганидан дарак беради.

Таъкидлаш керакики, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қадриятлар бешиги саналмиш маҳаллаларнинг ролини янада кучайтириш, уларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини бундан-да ошириш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу ҳужжатда мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, ғиёҳвандлик, одам савдоси, қонқўйиш миграция, "оммавий маданият" деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётгани, афсуски, айни ҳақиқат. Бундай кескин ва таҳликали даврда маҳалла-қўй, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик – барча-барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим.

Бу жараёнда маҳаллалар ёшлар тарбиясида таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада мустахкамлаш зарур. "Оила – маҳалла, таълим муассасаси" ҳам-

корлигини янада кучайтиришни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Энг муҳими, Фармонда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва юксак самарадорлик билан ҳаётга татбиқ этилиши маҳаллаларнинг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, "адолат тарозиси"га айланишини таъминлайди.

Эндиликда маҳалла шунчаки маълумотнома тақдим этадиган идора эмас, балки ҳар бир хонадонга кириб борадиган, муаммоларни кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳал қила оладиган, халқ билан давлат ўртасида чинакам кўприк бўла оладиган тузилма сифатида сиёсий жараёнларда ҳам янада фаол иштирок эта оладиган бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлари кенгашларини эса Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этиш белгиланди. Кенгашларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, жойларда ҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари эътиборига етказиш ва мазкур масалаларни ҳал этиш бўйича уларнинг бевосита иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишлилик Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида расислик қилиш вазифаси юклатилди.

Кенгашлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустахкамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг тегишлилик Республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига расислик қилишлари белгилаб қўйилди.

Фармонда кўрсатилганидек, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида "Маҳалла маркази" мажмуалари бинолари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилади.

Айни пайтда Тошкент шаҳри туманларида миллий меъморчилик андозаларига мос тарзда замонавий маҳалла гузарлари барпо этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Увайсий маҳалласи ана шундай масканлар сирасига қиради. Бу ерда маҳалла раиси, маслаҳатчилар, профилатика инспекто-

ри учун хоналар, кексалар учун дам олиш хонаси, кутубхона, коммунал тўловларни қабул қилиш шохбчаси, барча шароитлари мавжуд ўриндиқлар, соябонлар, болалар майдончаси ҳамда дам олиш майдонлари, енгил конструкциялардан иборат ёшлар учун спорт иншоотлари, кичик архитектура шакллари ва фавворалар, тўғри ёритгич мосламаларидан ташкил топган маҳалла маркази бунёд этилди.

Шунингдек, гўзаллик саломи, савдо шохбчаси, нововойхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, маиший техникаларни таъмирлаш устaxonаси, кичик ҳажмдаги кийим-бош таъмирлаш ательеси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасига асосан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқида сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгадирлар.

Маълумки, жорий йилнинг 24 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Эътиборли жиҳати шундаки, барча туманлардан депутатликка номзодлар кўрсатилди.

Ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни юқори савияда ўтказиш мақсадида барча сиёсий партиялар қатори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган номзодлар ҳам сайловолди тарғибот тадбирларини бошлаб юборишди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 505 та маҳалла мавжуд бўлиб, ҳар бир тумандаги маҳаллалардан 30 киши, Тошкент шаҳридан жами 330 кишининг номзоди халқ депутатлари туман Кенгашларига кўрсатилган.

Номзодларнинг барчаси маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари бўлиб, улар фидойи, жонқуяр, эл дарду қувончи билан ёниб яшайдиган, маърифатпарвар, халқпарвар, қуюнчак, тинчлик-осойишталикни таъминлашни ўз бурчи деб билган фуқаролардир.

Номзодлар орасида зиёлилар кўпчилигини ташкил этади. Шу билан бирга, муҳандис, иқтисодчи, ўқитувчи, ҳуқуқшунос, шифокорлар ҳам бор.

Номзодларимизнинг сайловолди дастурларида:
биринчидан, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳудуддаги фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш;

иккинчидан, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, бу борада ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, қасаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

учинчидан, маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида маҳаллалар билан ўй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳамкорлигини янада мустахкамлаш;

тўртинчидан, фуқаролар йиғини ҳудуддаги аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустахкамлаш ишларини тизимли тарзда амалга ошириш;

бешинчидан, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини оширишга қўмаклашиш;

олтинчидан, жамиятда хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳушёрлиги ва огоҳлигини ошириш, тинчлик, осойишталик ва барқарорлиқни таъминлашда фуқаролар йиғинининг давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтиришга қўмаклашиш;

еттинчидан, носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар ва фуқаролар йиғини аъзолари билан, шунингдек, жиноят содир этганини учун жазо муддатини ўтаётган ёки ўтаб қўйган шахсларнинг оилалари билан алоҳида иш олиб бориш, уларнинг ижтимоий ҳаётида ўз ўринларини топишларига қўмаклашиш;

саккизинчидан, ҳам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва воғжа етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор, ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашдек устувор вазифалар ўрин олган.

Номзодларимиз халқимизнинг маънавий дунёқараши, сиёсий маданияти, миллий ўзлигини англаш борасидаги фаоллигини оширишни ўзларининг асосий мақсадларидан бири қилиб олишган.

Тошкентнинг иқтисодий, маънавий, маърифий жиҳатдан энг ривожланган шаҳарлар қаторига қўшиш, пойтахт маҳаллаларини шаҳар аҳолисининг чинакам маслақдоши ва кўмакдошига айлантиришда номзодларимиз дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши жуда долзарбдир. Зеро, маҳалла – халқ виждони, эзгу қадриятлар бешигидир.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КўРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МАҲАЛЛАЛАРДА "ЎЗ БОЛАНГИНИ ЎЗИНГ АСРА!" ДЕГАН УМУМДАЪВАТНИ БИРГАЛИКДА АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАМИЗ.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетидида "Конституция ва иқтисодиёт ўзбек модели" мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асоси эканлиги, унда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, навқирон авлодга замонавий таълим-тарбия бериш тамойиллари қатъий белгилаб қўйилгани билан ҳам касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Учрашувда талаба-ёшларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб берди.

Гулноза БОБОЕВА

ҲУРЛИК ВА ТИНЧЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишлаб 10 километр масофага югуриш марафони ўтказилди. Марафон доирасида Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий хаво кучларига қарашли вертолётлар орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олиб ўтилди.

Давлатимиз байроғи ёш авлод қалбидида ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат туйғусини янада кучайтиришда муҳим восита. Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг ғурури ва ифтихорини, ораву-умидларининг рўёбини акс эттирувчи муқаддас тимсоллардан биридир.

Давлатимиз байроғи вертолётларда Амир Темур хиббони – Амир Темур кўчаси – Тошкент телемундиратори – Хайвонот боғи – Марказий ҳарбий клиник

госпитали – Академиклар шаҳарчаси – Мирзо Улуғбек кўчаси – Паркент кўчаси – Тузель кўрғони йўналиши бўйича олиб ўтилди.

Марафон Қурулди Кўчалар тизимида енгил атлетика спорт турларини янада оммалаштириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилди. Унда Қурулди Кўчалар тузилмаларидаги вазирлик ва идораларнинг ҳарбий хизматчиларидан иборат жамоалар 35 ёшгача, 45 ёшгача ҳамда 45 ёшдан юқори ёш тоифаларида қатнашди.

Қурулди Кўчалар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО БИЛИМЛАР ОЛИМПИАДАСИДА 49 МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мақтаб ўқитувчилари анъанавий ўқитиш услубларига содиқ қолган ҳолда, инновацион ишланмаларни фаол қўллаб келмоқда. Ўқувчиларда эркинлик ва ташаббускорликни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу келажакда уларнинг муҳим ижтимоий ва профессионал вазифаларни амалга оширишига асос бўлади.

Болаларда алгоритмларни ишлаш, масала тузиш ва уни ечишда амаллар кетма-кетлигини белгилаш, бошланган ишни ниҳоясига етказиш, матнларни онгли ўқиш ҳамда уларнинг маъносини чақиш, кузатиш объектларини тасвирлаш, уларни таққослаш, қиёсий натижалар бўйича шахсий мулоҳазаларни билдириш кўникмалари шакллантирилди.

Бошланғич мактаб таълим, тарбия, ривожлантириш, ҳаётини англаш ва маърифат сингари анъанавий таълимнинг барча таркибий қисмларини ўз ичига олади. Инглиз тили фани биринчи синфдан бошлаб ҳафтада тўрт мартаба, 2-синфда беш-олти мартаба ўқитилади.

Мақтабимизда ҳар бир болага алоҳида ёндашилади, дейди "Intellect" нодавлат таълим муассасасининг директори ўринбосари Наталья Баннова. – Шу боис ўқувчиларимизнинг ўзлаштириши юқори. Мамлакатимизда болаларнинг фан олимпиадалари ва танловларда ўз иқтидорини намойиш этиши учун барча шароит яратилган. Ўқувчиларимиз бир неча йилдан буён халқаро миқ-

ёсдаги олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Биз ўқувчиларимиз билан фахрланамиз!

Мақтабда кун тартибини самарали ташкил этиш, ақлий ва жисмоний вазифаларни тўғри тақсимлаш, инсон саломатлиги учун фойдали технологияларни жорий этиш, жамоада ижобий психоэмоционал му-

эти. Мазкур олимпиадада "Intellect" мактабининг директори ўринбосари Н.Баннова раҳбарлигидаги ўқувчилар математика, рус ва инглиз тиллари, тасвирий санъат фанлари бўйича илк бор иштирок этди. Ўқувчилар, шунингдек, "Олимпиада маликаси", "Шон-шухрат дақиқаси", "Фотосуратлар танлови" сингари ижодий ва спорт мусобақалари, мини-футбол ва шахмат турнирларида ҳам фаол қатнашди.

Нигина Иноятова (тўртта медаль), Икром Юсупов (тўртта медаль), Жамола Мирқомилова (учта медаль) ва Одил Мухиддинов (учта медаль) IX Халқаро билимлар олимпиадасининг энг билимдон иштирокчилари деб эътироф этилди.

– Инглиз тилига жуда қизиқман, – дейди мактабининг 4-синф ўқувчиси Нигина Иноятова. – Олимпиадада инглиз тили бўйича биринчи, математика, рус тили ва тасвирий санъат бўйича иккинчи ўринни эгалладим. Дўстларим эришган ютуқлардан ҳам хурсандман. Бизга устозларимиз ва ота-оналаримизнинг кўмаги улкан мадад бўлди.

Иштирокчилар олимпиада-нинг интеллектуал беклашувлар ҳафталигида нафақат катта тажриба тўплади, балки ижобий таассуротлар олди, янги дўстлар орттирди. Ўзбекистоннинг ана шундай ёшлари янги билим чўққиларни забт этиб, халқаро миқёсда юртимиз шарафини ҳимоя қилиши шубҳасиз.

IX Халқаро билимлар олимпиадасида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Туркия, Ўзбекистон, Украина мамлакатларидан беш юз нафар мактаб ўқувчиси математика, география, физика, кимё, биология, жаҳон тарихи, атроф-муҳит, тасвирий санъат, рус, инглиз ва турк тиллари бўйича ўз билимларини намойиш



қизиқман, – дейди мактабининг 4-синф ўқувчиси Нигина Иноятова. – Олимпиадада инглиз тили бўйича биринчи, математика, рус тили ва тасвирий санъат бўйича иккинчи ўринни эгалладим. Дўстларим эришган ютуқлардан ҳам хурсандман. Бизга устозларимиз ва ота-оналаримизнинг кўмаги улкан мадад бўлди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИ

Тошкент шаҳар "Сувсоз" давлат унитар корхонасида "Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши асосидир" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг "Сувсоз" давлат унитар корхонаси бошланғич ташкилот ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давра суҳбатини ўтказишда қўзланган асосий мақсад давлат органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлаш ҳамда хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисида корхона ишчи-ходимларининг хабардорлигини оширишдан иборат.

Тадбирда сўз олганлар мазкур Фармон тадбиркорлик соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларининг режадан ташқари текширишларининг барча турларини бекор қилиш йўли билан ушбу соҳани янада либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилишини бекор қилиниши ҳақида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мазкур фармоннинг имзоланиши ушбу соҳадаги муҳим ҳодиса бўлди. Фармон ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги қадолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустахкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

– Тадбирда ушбу фармон юзасидан батафсил тушунарлар берилди, – дейди Тошкент шаҳар "Сувсоз" давлат унитар корхонаси маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими Холита Юсупова. – Бир сўз билан айтганда мазкур фармон Республикаимиздаги тадбиркорлик субъектларига янги имтиёزلарни тақдим этиши билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Нодир АБДУШАХИДОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг "Сувсоз" давлат унитар корхонаси бошланғич ташкилоти етакчиси



Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси уй ўйинларидаги мағлубиятсиз серияси нақд ўнга учрашувга етди.

ДАРВОЗАБОН МАҲОРАТ КЎРСАТМОҚДА

Охириги марта "Шерлар" 2017 йилнинг апрель ойида ўз майдонига мағлубиятга учрагани. Шундан кейин кетма-кет ўн беллашувда ғалабага эришилди. Рақиб дарвозасига 25 тўп киритилиб, 5 гол ўтказиб юборилган. Иккинчи даврада "Пахтакор" Шота Арвеладзе бошчилигида уйдаги ўйинларда биргина тўп қўйиб юборди.

Дарвозабон Александр Лобанов кетма-кет 5 беллашувда дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. Охириги марта у Наманганда "Навбахор" клубига қарши учрашувда дарвозасидан тўп ўтказгани. Унинг "қуруқ" серияси 467 дақиқани ташкил этмоқда. Иккинчи даврада "Пахтакор" 13 ўйинда 5 гол қўйиб юборди.

"Ўмид ниҳоллари"

СОҒЛОМ АВЛОД КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Чилонзор туманидаги умумтаълим мактабларининг 1-4-синф ўқувчилари ўртасида "Ўмид ниҳоллари" спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Чилонзор тумани БҲСМ ҳамда 79-, 101-, 138-, 162-, 281-мактаб спорт майдончаларида ташкил этилган беллашувларда 30 та таълим муассасаси жамоалари энгил атлетика, мини-футбол, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, шахмат, шашка бўйича ўзаро куч синашди.

— Мусобақанинг туман босқичини янги барпо этилган спорт иншоотлари, майдонларида ўтказишга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик

таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг жисмоний тарбия методист-ўқитувчиси Шухрат Сатторов. — Жами беш гуруҳга бўлинган мусобақа иштирокчилари учун спорт залларида барча шартроитлар яратилиб, зарур анжом ва инвентарлар етказилди. Шунингдек, ҳакамлар хайъати таркибига жалб этилган "Ешлик" ЖТСЖ туман бўлини муассасалари, малакали тренер-ўқитувчилар натижаларни белгиланган мезонлар асосида ҳолисона баҳолаб борди.

Туман босқичининг якунига кўра, 138-мактаб жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчилиكنи қўлга киритган бўлса, 280- ва 163-мактаб ўқувчилари кучли учлик поғоналарини тўлдирди. Мусобақанинг вилоят босқичида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритган ўқувчилар ва фаол иштирокчилар муносиб рағбатлангандир. Эслатиб ўтамиз, "Ўмид ниҳоллари" спорт мусобақалари бошланғич синфлар учун туман босқичи билан якунланади.

Муҳлиса ХУСАНОВА

ЧЕМПИОН ЖАМОАДАН ЯНГИ РЕКОРД

Мамлакат йигирма учинчи миллий чемпионатининг 19-турида сафарда "Нефтичи" қизларига қарши майдонга чиққан Бекободнинг "Металлург-В" жамоаси ўзига хос янги рекорд ўрнатди.

Яъни, битта мавсумда рақиблар дарвозасига кўп гол киритиш бўйича Қаршининг "Севинч" жамоасига тегишли бўлган кўрсаткични (114 гол) бир йўла олтита тўпга яхшилашди. Эндиликда рекорд кўрсаткичи 120 та голни ташкил этади. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Бекободликлар мавсум охиригача яна иккита учрашувда майдонга чиқишади ва рекорд яна янгиланиши аниқ.

Фарғонадаги ўйинга "Металлург-В" жамоаси қизлари Ўзбекистоннинг янги чемпионлари сифатида чиқишди ва чемпионларга хос шид-

датли, ҳужумкор футбол намоиш этишди. Биринчи таймининг ўзидаёқ мезбонлар дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритган қизларимиз "Севинч" жамоасининг кўрсаткичини тақрорлаб улгуришганди. Иккинчи таймда майдон эгалари ўз дарвозаларидан яна олти тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Мазкур ғалабадан кейин "Металлург-В" жамоаси жамғарган очколар сони 54 тага етди.

Ушбу учрашувда яна бир эътиборга молик натижа қайд этилди. Тўпурларлар пойғасида тўртинчи

ўринда бораётган Махлиё Сарикова мезбонлар дарвозабонини икки марта доғда қолдириб, жами киритган голлари сони 25 тага етказиб олди ва бу борада "Бунёдкор" ҳужумчиси Лианна Нарбековага тенглашди. Тўпурлар рўйхатини эса "Металлург-В" жамоасининг бошқа бир ҳужумчиси Людмила Карачик 44 та гол билан бошқариб бораётган ҳамда энг яқин таъкибчиси Нилуфар Қудратовани ("Севинч") 13 та тўпга ортда қолдирмоқда.

Ботир ХҲЖАЕВ

СПОРТСЕВАР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Роҳат" автодромида автоспортнинг картинг тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги ва чемпионатининг учинчи босқичи мусобақаси ташкил этилди.

Спорт мусобақаларида Тошкент, Сирдарё, Наманган ва Андижон вилоятларида картинг спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларнинг иштироки уни янада қизиқарли ўтишига ҳисса қўшди. Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти ташаббуси ва "Бектемир" ЎСТК унитар корхонаси ташкилотчилигида ўтказилган мусобақада 22 нафар вояга етмаган ёш спортчилар ва шаҳар чемпионатида 25 нафар 18 ёшдан катта бўлган спортчилар иштирок этди. Мусобақа Низом шартларига кўра биринчилик мусобақаси "Пионер", "Мини",

"Союзный-Юниор" ва "Кадет-Юниор" синфларида ҳамда чемпионат "Свободный", "Союзный", "250 см" ҳамда "Восток" синфларида бўлиб ўтди.

Турли синфлар бўйича ва умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Якуний натижаларга кўра, Тошкент бирлашган техника мактаби умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа сўнгига голибларга Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятларининг ваколатли органлари диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон қарори билан тасдиқланган 78-илоҳасига мувофиқ **1-hudud shakli** йиллик "Туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий ўзгаришлари тўғрисида 2017 йил учун ҳисоботи"ни **Давлат статистика органларига** ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишингиз лозимлигини эслатиб ўтади.

Мазкур ҳисобот, интернет тармоғида давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг **www.stat.uz** ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг **Toshstat.uz** расмий веб-сайтидан олишингиз мумкин.

Шунингдек, Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслик орқали давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирамыз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Демография ва меҳнат статистика бўлимининг **(0-371) 230-88-22, (0-371) 230-88-23** телефонлариغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2017 йил 16 ноябрдаги №1528-сонли қарорига асосан Мировод энгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи туғатилганлиги муносабати билан дебитор ва кредитор ташкилотлар билан ҳисоб-китоб ишлари ва бошқа эътироз ҳамда аризалар бўйича эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун давомида Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Сарикўл кўчаси, 24-уй манзилига мурожаат қилишингизни маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефон рақамлари: 283-41-75; 291-12-58; 291-48-51

Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган низомнинг 12-бандига асосан қуйидаги сэйлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, шунингдек, бўш лавозимларини эгаллашга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Чет тиллари кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
2. Банк иши кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
3. Банк ҳисоби ва аудит кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
4. Ўзбек ва рус тиллари кафедраси: кафедра мудири, ўқитувчи (ассистент);
5. Жисмоний маданият ва спорт кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи;
6. Менежмент ва маркетинг кафедраси: кафедра мудири, профессор, ўқитувчи (ассистент);
7. Молия кафедраси: кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
8. Пенсия иши кафедраси: ўқитувчи (ассистент);
9. Баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
10. Молиявий таҳлил кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
11. Информацион-коммуникацион технологиялар кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
12. Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
13. Иқтисодиёт назарияси кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи;
14. Касбий таълим кафедраси: доцент, ўқитувчи (ассистент);
15. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси: кафедра мудири, ўқитувчи (ассистент);
16. Аудит кафедраси: доцент, ўқитувчи (ассистент);
17. Минтақавий иқтисодиёт кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
18. Бизнес ва тадбиркорлик кафедраси: катта ўқитувчи;
19. Бюджет ҳисоби кафедраси: ўқитувчи (ассистент);
20. Сугурта иши кафедраси: ўқитувчи (ассистент);
21. Олий ва амалий математика кафедраси: ўқитувчи (ассистент);
22. Статистика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
23. Молиявий менежмент кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).

Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ҳодимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел.: 234-45-86

Олмасор туманидаги 299-мактабгача таълим муассасаси қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотини харид қилиш учун танлов эълон қилади.

Ўш 900 кг*31.500 сўм=28.350.000 сўм.
Мурожаат ва тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 229-29-67

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи мажлислар зали...

Бу ерга коллеж ўқувчи ва ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилишган.

Залга 18 ёшли судланувчи Асилбек Фуломовни олиб келишди. Сайёр суд жараёни бошланди. Жамоатчилик олдида Асилбек сўроқ берди.

Унинг афт-ангорига қарар экансиз қилган жиноятдан пушаймонлиги билинмасди. Онасининг кўзида ҳам бир томчи кўз ёш йўқ...

Суд мажлисида маълум бўлишича, Асилбек Фуломов ёшлигидан гиёҳванд моддалар истеъмолига ружу қўйди. Кўча-кўйдан гиёҳванд ўсимлигини топиб, уни тайёр ҳолга келтириб, истеъмол қила бошлади. Оқибатда наркологик диспансер рўйхати тушди. Дарсларга умуман қатнашмай қўйди.

Асилбекнинг айтишича, бозорга чиқиб, савдо ишлари билан шуғулланди.

Асилбек оилада икки фарзанднинг тўнғичи, бир синглиси бор. Онаси М. Фуломова уй бекаси, ҳеч қерда ишламайди. Она фарзанд тарбиясига беэътибор. Болани ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Асилбек иккинчи бор жиноят содир этганида, 2017 йил сентябрь ойида Зангиота тумани Назарбек қишлоғига бориб, даладан гиёҳванд ўсимлигини топади. Соат тунги 3.00 лар эди. Ўзи билан сумкасига қозон солиб олади. Топган гиёҳванд ўсимлигидан наشا тайёрлайди. Истеъмол қилиб, уйига қайтаётганда ички ишлар ходимлари томонидан тўхатилади, ёнидан баклашкага солинган гиёҳванд модда топилади.

Асилбек Фуломовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Сайёр суд жараёнида айбланувчи, гувоҳлар, айбланувчининг онаси, коллеж раҳбарлари сўзга чиқишди. Сўнгги сўз судланувчига берилди.

— Қилмишимдан пушаймонман, — деди А. Фуломов, — бошқа тенгдошларимга гиёҳванд модда истеъмол қилишни тавсия этмайман.

Тарафларнинг музокаралари эшитилди. Шундан сўнг суд ҳукм ўқиди.

Асилбек Фуломов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси, 2-қисми, "а" ва "б" бандлари билан айбдор деб топилди. Унга нисбатан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоəsi тайинланди.

Ҳа, оилада биргина тарбиянинг сусайганлиги, бир ўқувчининг жиноятчига айланишига сабаб бўлди. Ота-она жамоатчилик олдида мулзам бўлди. Бу жиноят коллеж фаолиятига доғ бўлиб тушди. Энди Асилбек Фуломов ёш умрини панжара ортида ўтказди.

З.ШАРИФЖОНОВ

"101" ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Ёнғинлар катта зиён етказди, турар-жой ва хусусий мулкларни барбод қилади, инсонларнинг майиб-мажруҳ ва ҳалок бўлишларига олиб келади. Шу сабабли ёнғинга қарши кураш ва ёнғин чиқишининг олдини олиш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки барчамизнинг асосий вазифамиздан биридир.

Турар жойларда ёнғин чиқишига оловга бепарво қараш, ҳазонлар ва қуруқ ўтларни ёқиш, маст ҳолатда сизгарета чекиш ва болаларни назоратсиз қилишлари сабаб бўлмоқда. Куз мавсумида ҳазонларни ёқиш юборилиши натижасида ҳам ёнғинлар сони ошиб бормоқда. Ёнғин хавфсизлиги хизмати барчангизни огоҳлантириш мақсадида яна бир бор эслатиб ўтади: уйингизда ёнғин турган газ ва электр ускуналарини назоратсиз қолдирманг; ёш болаларга иситиш печи ва ўчоқларга ўт ёқишни буюрманг; ўринда ётган сизгарета чекманг; қозонда қиздирилаётган ёнғин назоратсиз қолдирманг; агарда ёғ ёнғин кетса, унга сув сеппанг — қозоннинг қопқоғини ёпиб, оловни ўчириш керак; ёнғин содир бўлганда худлик билан "101" телефон рақами орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига ҳабар беринг.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси шаҳримиз фуқаролари ва меҳмонларидан юқоридаги ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларига амал қилишингизни сўраб қолади.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
18-20 даража шик бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 ноябрда Тошкент

Тошкент шаҳрида 22 ноябрь кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзиллими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

2119 0330-7074

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г. 1135

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4021 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.50

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акmal AKROMOV